



«ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЛАЛАР МЕХНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕХНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ЙЎЛИ ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ ЭКАНЛИГИ ЎЗ ТАСДИГИНИ ТОПДИ. МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШДАН ТОРТИБ; БУ БОРАДАГИ ИШЛАРГА БАРЧА ИДОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲАМДА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИБ БОРИШ ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРДИ»



# TIKLANISH

1995 йил 19 июлдан чиқса бонди. www.tiklanish.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

tiklanish



**МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ  
БИРЖА САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИШ  
ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ** 2

**2019-2021:  
32 ТА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҚУЖНАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ** 2

**2**  
АБИТУРИЕНТЛАР БИР  
ВАҚТИНГ ЎЗИДА БАРЧА  
ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИГА  
ҲУЖЖАТ ТОПШИРИШЛАРИ  
МУМКИН

Президентимизнинг 2022/2023 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисидаги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, regulation.gov.uz порталига кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

**5**



**2016 йилдаги**

сайёҳлар сони 2 млн.дан 2019 йилда 6,7 млн.гача қўлайди. Шунинг учун ҳам Жаҳон туризм ташкилоти Ўзбекистонни 2019 йилда энг яхши ривожланаётган сайёҳлик йўналишига эга мамлакатлар бешлигига киритди.

**8**

**ПОКИЗАЛИК ҲАМ ХУСН**

...Турмушимизга уч ой бўлди. Шу муддат давомида тотув яшаш учун кўп ҳаракатлар қилдим. Аммо эримда рағбат кўрмадим. Утган вақт мобайнида билдимки, биз бир-биримизни тушуна олмас эканмиз, шунинг учун ажрашамиз.

## КОНСТИТУЦИЯГА ХАЛҚ ИСТАГИ ВА ИРОДАСИСИЗ НУҚТАДЕК ЎЗГАРИШ ҲАМ КИРИТИЛМАЙДИ



Кеча Тошкентда – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

**7**  
Махмудхўжа  
Беҳбудий  
**ҚАЧОН  
ТУФИЛГАН?**

**4**  
**БУ ИЛГИ ДЕЛ  
ИЖТИМОЙ ФАОЛ,  
ЛЕКИН...**

**4**  
**ПИРОВАРД МАҚСАД -  
АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ**

**5**  
**ИЧКИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ  
РИВОЖЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА**

**6**  
**УММЕТ**

ОЛОВ ИЧИДА  
ҚОЛГАН  
МАСЖИД **7**

КУМУШБИБИ  
ҚАБРИДАГИ  
БИТИКНИ КИМ  
БИЛАДИ? **8**

ПАРТИЯНИНГ 2021  
ЙИЛГИ УСТАВ  
ФАОЛИЯТИНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШ  
МАНБАЛАРИ  
ТЎҒРИСИДАГИ  
ҲИСОБОТИ **5**

**ЭНДИЛИКДА АРБИТРАЖ СУДИДА  
КЎРИЛАЁТГАН ДАЪВОНИ  
ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ  
ИҚТИСОДИЙ СУД ТОМОНИДАН  
КЎРИЛИШИ МУМКИН**

Жорий йилнинг 16 мартда "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Кодексга арбитр тушунчаси киритилиб, арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар, жумладан, арбитражни тайинлаш, арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар муҳокамаси кўрилиши белгиланди.

Шунингдек, арбитрлар, арбитраж таркиби томонидан тайинланган экспертлар, арбитраж муассасасининг ходимлари, ҳакамлик судьялари – арбитраж ёки ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги белгиланди.

Эндиликда арбитраж судида кўрилаётган даъво ни таъминлаш чоралари арбитраж муҳокамаси тарафининг аризасига кўра иқтисодий суд томонидан кўрилиши мумкин. Қонун билан арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни юритиш тартиби белгиланди.

Шунингдек, қонун билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги аризалардан БҲМнинг 2 баравари (540 000 сўм) миқдорида давлат божи ундирилади.

# МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 май куни товар-хомуш биржасида савдоларни ва унда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Биржа бу – бозор иқтисодиётининг алифбоси. Ундаги савдолар эркин рақобатни шакллантиради, тадбиркорлар учун янги бозорларни очади, “яширин иқтисодиёт” ва коррупцияни кескин камайтиради. Шу борадаги ислохотлар натижасида сўнгги уч йилда юртимизда биржа савдо айланмаси 2 бараварга ўсиб, 90 триллион сўмга етган, сотилган товарлар сони эса 3 бараварга кўпайган. Бундан ташқари, хорижий давлатларда Ўзбекистон товар-хомуш биржасининг 20 та савдо майдончаси ташкил этилиб, жорий йилнинг 4 ойида улар орқали 170 миллион долларлик маҳсулот сотилган. Шунингдек, 1 минг 200 дан ортиқ хорижий компаниялар юртимиз биржасига катта ҳажмда маҳсулот қўйишни бошлади. Илгари савдоларда “ўртақаш”лар кўп бўлгани сир

эмас. Ўтган йили эса йирик корхоналар биржадаги очиқ-ошкора савдолар ҳисобига 8 триллион сўм қўшимча даромад қилган. Шу билан бирга, биржа савдоларини ташкил этиш, маҳаллий тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш борасида ҳали ҳам айрим камчиликлар бор. Мисол учун, биржа савдоларининг 85 фоизини 45 турдаги юқори ликвидли товарлар ташкил этмоқда. Тўқимачилик, ипақ, чарм ва кабель маҳсулотлари, ҳудудлардан Сирдарё, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари корхоналарининг биржа савдоларидаги иштироки паст бўлиб турибди. Шу боис, давлатимиз раҳбари маҳаллий маҳсулотларни биржага қўйишда туманларни фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади. Мисол учун, 1 июлдан 500

минг тонна ғаллани биржа орқали сотиш йўлга қўйилади. Йиғилишда бу жараённи ташкил этиш, фермер ва юк ташувчиларни рўйхатдан ўтказиб, уларга қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берилди. Жумладан, фермерлар буюғидойни биржага қўйганда, улардан гаров талаб этилмайди. Сотилган маҳсулотга биржа томонидан бир кунда тўлов амалга оширилади. Фермерга тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишини биржа қафолатлайди. – Бу туманларнинг биржадаги иштирокини кенгайтириш учун яхши имконият, – деди Шавкат Мирзиёев. Бугунги кунда 45 мингдан зиёд маҳаллий саноат корхоналаридан бор-йўғи 3 минг 600 таси биржага ўз маҳсулотини чиқармоқда. Албатта, бу жуда кам. Шу боис, маҳаллий маҳсу-

лотларни биржа савдоларига чиқариш тартиби соддалаштирилади. Жумладан, 1 июлдан биржада алоҳида истиқболли товарлар секцияси ташкил этилиб, маҳаллий тадбиркорларнинг ўз маҳсулотини ортиқча ҳужжатларсиз сотиши йўлга қўйилади. Энг яхши сотилган товарлар, кейинчалик, биржанинг асосий савдо майдонларига жойлаштирилади. Тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда, бир вақтнинг ўзida, биржада ҳам ҳисобга олиш тартиби жорий этилади. Яна бир қулайлиги – маҳаллий тадбиркорларнинг маҳсулотлари учун биржа тўловлари 2 бараварга қисқартирилади. Солиқ назоратида тадбиркорларнинг биржа орқали сотган ёки харид қилган товарлари бўйича қўшимча ўрганишлар ўтказилмайди. Бундай имкониятлардан

фойдаланиб, биржадаги товар айланмасини 2 бараварга ошириш мумкинлиги таъкидланди. Хусусан, кимё, нефть-газ, металлургия, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатидаги улкан захиралар кўрсатиб ўтилди. Биржада экспорт-импорт маҳсулотлари савдоси ҳажмини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги тартиб-таомилларни ҳам енгилаштириш чоралари белгиланди. Йиғилишда биржа савдоларида қатнашиш истагидаги тадбиркорларга кўмаклашиш, бу соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича қатор топшириқлар берилди. Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари биржа савдоларини кенгайтириш режалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

## Эътироф

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ЙЎЛИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



16 май куни Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида “Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича 5-Глобал конференция” бўлиб ўтди. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ўтказилган тадбирда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган “2021 йил – Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йили” доирасида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси раиси Танзила Нурбаева, Халқаро меҳнат ташкилотининг бош директори Гай Райдер, Халқаро касаб-ушмалари Конфедерацияси бош директори Шарран Барроу, Халқаро иш берувчилар конфедерацияси бош директори Суарес Сантос, Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо 187 давлатдан 4 мингга яқин вакиллар иштирок этди. Шу ўринда болалар ва мажбурий меҳнатга қарши курашишда Ўзбекистон тажрибаси халқаро миқёсда эътироф этилганини айтиш жоиз. Хусусан, 2019-2021 йиллар давомида бу борадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги, ҳар йили Халқаро меҳнат ташкилотининг ўртача иккита конвенцияси ратификация қилиниб, бу соҳада болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат учун жинсий жавобгарлик чораларининг кучайтирилганлиги самарали чоралардан бири бўлгани алоҳида таъкидланди. «Ўзбекистоннинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги йўли тўғри ва самарали эканлиги ўз тасдиғини топди. Миллий қонунчиликни халқаро стандартларга имплементация қилишдан тортиб, бу борадаги ишларга барча идораларни жалб этиш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ўз натижасини берди», – деди тадбирда Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Гай Райдер.

@Zafarbak\_Solijonov

### Фарҳод ЗАЙНИЕВ, Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:



– Бугун ижтимоий соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқ манзилли хусусиятга эга экани ҳар қандай муҳтож инсонга унинг реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш имконини беради. Маълумки, Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг янги тизими асосида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш усуллари жорий этилиб, улар айна пайтда ижтимоий ҳимояни манзилли асосда кўрсатиш имконини беради. Ва, бу жараёнда барча тизимлар маҳалла даражасида ишлаш бошлади. Бошқача айтганда, бугун маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассис, маҳалла посбони ишламоқда. Шу тариха кексалар, ноғиронлар ёки бирон-бир сабаб билан оғир аҳвола тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва муруват кўрсатиш каби эзгу аънаналар янги-ча маъно-мазмун, амалий ҳаракатлар билан бойиб, такомиллашиб бормоқда. Бу борада, айниса, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ҳар бир оила – тадбиркор» каби дастурлар яхши натижа бермоқда. Шу ўринда муҳтож фуқароларни тўғридан-тўғри, мақсадли қўллаб-қувватлашда асосий эътибор аҳолининг кам таъминланган қатламларига дотация бериш эмас, балки уларга даромад топиш учун имконият яратишга қаратилаётганини айтиш жоиз.

Арзон уй-жойлар барпо этилаётгани ҳам ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг инсонпарварлигини кўрсатиб турибди. Энг муҳими, бу биринчи галда аҳолининг уй-жойга муҳтож қатлами манфатларини ўйлаган ҳолда йўлга қўйилмоқда. Хулоса ўрнида шунга айтиш жоизки, мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми Конституцияда кўрсатилмаган эди. Аммо ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган сиёсат ижтимоий давлатнинг туб замини яратилганидан далолат беради. Буни давлат бюджети маблағларининг эллиқ фоиздан ортиги ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётганининг ўзи ҳам исботлаб турибди. Шунинг учун Бош Қомусимизда «Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат» деган тамойил ўз аксини топса тўғри бўларди.

### Абитуриентлар бир вақтнинг ўзида барча таълим шаклларига ҳужжат топширишлари мумкин

Президентимизнинг 2022/2023 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисидаги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, regulation.gov.uz порталига кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Мазкур ҳужжатда қайд этилишича, янги ўқув йилидан абитуриентларга фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача йўналишга ҳамда бир вақтнинг ўзида ҳам кундузги, ҳам сиртки ва кечки таълим шакллари танлаш имконияти яратилади. Абитуриентлар эндиликда барча таълим шаклларига ҳужжат топширишлари мумкин. Лойиҳага кўра, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, тест синови топширилаётган фанлар мажмуаси ва фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалаврият таълим йўналишларини ҳамда бир вақтнинг ўзида барча таълим шакллари танлаш имконияти яратилади. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг масофавий шакли жорий этилади. Абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўтказиш 15 июндан 15 июлга қадар (15 июль куни ҳам) бўлган муддатда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилади. Бунда чет тили фанидан касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган таълим йўналишларида онлайн рўйхатдан ўтиш 15 июндан 5 июлга қадар (5 июль куни ҳам) амалга оширилади. Мазкур қарор лойиҳаси 1 июлга қадар жойлаштирилган.

ЎЗА

**ОБУНА – 2022!** «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! Обуна индекси **158**

# ИСЛОҲОТ



Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш, бу соҳада ҳуқуқий ўзгаришлар қилиш заруриятини тақозо этмоқда. Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлашни бугунги даврнинг ўзи талаб этмоқда.



## КОНСТИТУЦИЯГА ХАЛҚ ХОҲИШИ ВА ТАШАББУСИ СИЗ НУҚТАДЕК ЎЗГАРИШ ҲАМ КИРИТИЛМАЙДИ

Унда ҳар иккала партия фракцияларининг Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ташаббуси муҳокама қилиниб, қўллаб-қувватланди.

Сир эмаски, XXI асрга келиб, дунё ўзгарди: сиёсий макон тартибларидан тортиб иқтисодий муносабатларгача, манфаатлар тўқнашганда юзага келадиган ихтилофлардан тортиб, дўстона муносабатлар меъёригача ўзгарди ва ўзгаряпти. Бошқача айтганда, глобаллашадиган дунёга янги тарафлардан ўзгаришлар кўришди.

Бу жараён ҳеч бир давлатни четлаб ўтмаяпти. 2016 йили Ўзбекистон ҳам дунёга юз тутди, узоқ йиллик «ёпиқлик ўлкаси»дан очик мамлакатга айланишга қарор қилганини дунё ҳамжамиятига эълон қилди.

Шу тариқа, дунёнинг ажралмас бир бўлаги ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинадиган мамлакатга айланиш жараёнига қадам қўйдик.

Ўзгариш ва янгиланишлар бугун ўз натижасини беряпти, албатта. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини қозғанда эмас, амалда ривожлантириш, сўз эркинлигини янада мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятининг асосий устунларидан бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш эса навбатдаги ўзгаришларга асос бўлиши таъкидланяпти.

Кунни кеча, мамлакат сиёсий майдонида икки йиллик партия вакиллари томонидан илгари сурилган ташаббус ана шундай долзарб масалалар учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга қаратилгани

билан ҳам аҳамиятлидир.

– Конституция – давлат, жамият ва фуқароларнинг бугунги истак ва иродасига ҳамоҳанг такомиллашиб бориши керак бўлган ҳужжатдир, – деди тадбирда «Миллий тикланиш» партияси етакчиси Алишер Қодиров. – Сўнги 20 йилда дунёда 90 та мамлакат конституцион ислохотлар ўтказди, уларнинг 57 таси

ташкил этиш учун ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

– Биз очик давлат фуқароларимиз. Мамлакатимиз тақдирини биз ва фақат ўзимиз ҳал қиламиз. Турли-туман бузғунчи талқинларни бир чеккага суриб, қўлингизга Конституцияни олинг ва ҳижжалаб ўқинг: қайси мод-

зод ҳамда ишончли вакилларнинг аҳоли билан учрашувларида сайловчиларимиз томонидан кўтарилган, – деди партия фракцияси раҳбари, Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Ҳайитов.

Илҳом Абдуллаевнинг айтишича, жама аҳолининг 60 фоиздан зиёдини ташкил этаётган ёшлар масаласига Бош Қомусимизда кенг ўрин берилиши керак.

– Сўнги йилларда мамлакатимизда экологияга бўлган муносабат ўзгарди, аҳолининг экологик маданияти юксалиб, соҳани тартибга солувчи қонунчилик базаси такомиллашмоқда, – деди илҳом Абдуллаев. – «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси Дилором Файзиёва. – Ҳозирги вақтда кўллаб ривожланган давлатлар, табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз конституцияларига экологияга оид махсус боблар киритмоқдалар. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллашди.

Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова эса фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш давр талаби эканини таъкидлади.

– Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Жамият-ислохотлар ташаббускори» деган эзгу гоҳнинг илгари сурилиши мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини охиришда муҳим қадам бўлди. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш, бу соҳада ҳуқуқий ўзгаришлар қилиш заруриятини тақозо этмоқда. Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлашни бугунги даврнинг ўзи талаб этмоқда.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Бобур Бекмуродовнинг фикрича, дунёнинг қўллаб-қувватлари Конституциясида қадриятларга жуда катта эътибор қаратилганини қузатиш

мумкин. Аммо қадриятлар ватани бўлган Ўзбекистон Конституциясида қадрият сўзи тилга олинмаганини қандай тушуниш мумкин.

Шунингдек, фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштиришга қаратилган аниқ нормалар барча фуқаролар, жамоатчилик вакиллари ҳамда халқимизнинг тақдир ва фикрлари асосида шаклланиши, бунда очиклик ва шаффоқлик таъминланиши зарурлигини билдирди.

Кўшма йилги якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш масаласини Олий Мажлис палаталари Кенгашларига киритишга келишиб олинди. Илҳом Абдуллаевнинг айтишича, бунда очиклик ва шаффоқлик таъминланиши зарурлигини билдирди. Илҳом Абдуллаевнинг айтишича, жама аҳолининг 60 фоиздан зиёдини ташкил этаётган ёшлар масаласига Бош Қомусимизда кенг ўрин берилиши керак.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаевнинг айтишича, жама аҳолининг 60 фоиздан зиёдини ташкил этаётган ёшлар масаласига Бош Қомусимизда кенг ўрин берилиши керак.

ўзларининг янги конституциясини қабул қилдилар.

Конституция айна пайтда фуқаролар ўртасида келишилган қоидалар мажмуаси ҳамдир. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ушбу муҳим ҳужжатнинг шаклланишида фаол иштирок этишлари керак.

Қайд этиш жоизки, ҳар бир фуқарода Бош Қомусимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун ўз тақлифини тайёрлаш ва уни ишчи гуруҳига юбориш ваколати бор.

– Барча тақлифлар маънаси ва тажрибаси юқори бўлган ҳуқуқшунослардан иборат гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва хулосалар жамоатчиликка маълум қилиб борилади, – деди А.Қодиров.

Илҳом Абдуллаев билан алоқаларни самарали

да нима учун ўзгариши керак? Асосланг ва тақлифларингизни юборинг.

Ўзбекистонимиз ягона, унинг ривожланиши учун бирлашганимиз ва биргаликда ҳаракат қилишимиз керак.

Кўшма йилги якуни бўйича ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан «Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

– Конституцияни такомиллаштириш масаласи ўтган йилги сайловолди жараёнида партияимиздан президентликка кўрсатилган ном-



А йни пайтда Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар жама аҳолининг 60 фоиздан ортигини ташкил этади. Демократик ислохотларнинг муҳим омили сифатида икки етакчи партия ҳам ёшлар йўналишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистонда ёшлар келажак бунёдкори сифатида эътироф этилар экан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда эркинликларини Конституцияда ҳам мустаҳкамлаб қўйишимиз керак. Бу борда нафақат бир-икки модда билан чекланиб қолишни, балки Асосий Қонунимизда ёшларга оид алоҳида боб бўлишини тақлиф қиламан.

Агар амалдаги Конституциямизга эътибор қаратсак, унинг бирор-бир бандида ёшлар сўзини учратмаймиз. Тўғри, болалар билан боғлиқ моддалар бор. Аммо Бош Қомусимизда айнан ёшлар масаласи тилга олинмаган. 2016 йилдан бошлаб мамлакатимизда ёшлар масаласида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида ёшлар сиёсати оид туб ислохотлар амалга оширилди. Аммо уларнинг ҳеч бири конституциявий даражада мустаҳкамлангани йўқ. Шу боис, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини Бош Қомусимизда акс эттириш энг муҳим вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз.



Илҳом АБДУЛЛАЕВ: «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси



Даврон АРИПОВ: «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси

Б угунги кунда айрим давлатларда кузатиладиган оммавий маданиятлар анъанавий оилалар таназзулига олиб келмоқда. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида мамлакатимизда оилавий қадриятларни асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Статистика маълумотларига кўра, 2022 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда 12 мингта ажрим ҳолати қузатилгани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, муқаддас қадриятимиз бўлган Ислом дини маърифати ва унда оила, ота-она, эр-хотин, фарзандлар ҳамда қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат, эҳтиром каби эзгу фазилатлардан келиб чиққан ҳолда оилавий қадриятларимиз бардавтомлигини таъминлаш мақсадида Асосий Қонунимизнинг Оила бобини янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

Дониёр ТОШБОЕВ, Равшан МАҲМУДОВ ва Махбуба КАРИМОВАлар тайёрлашди.

Аёлнинг нозик табиатида куч, ғайрат ва шижоат яширинган... У меҳнатсевар, фидойи ва аини пайтда жонсарак ҳам! Яна узоқ давом эттириш мумкин бўлган бундай сифатларнинг ҳеч бирида муболага йўқ, албатта. Зотан, аёлнинг фарзанд тарбиясидек масъулиятли вазифаларидан ортиб, давлат хизматини ҳам бирдек уddалаб келаётгани унинг нозик жуссаси соясида қудратли куч, беқиёс ғайрат ва ҳайратланарли шижоат яширинганига ишорадир.

# БУГУНГИ АЁЛ ИЖТИМОЙ ФАОЛ, ЛЕКЦИ

Мустанқиллик йиллари аёлнинг минг бир имкониятлари юзага чиқди. Айниқса, сўнгги беш йилда хотин-қизларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани туфайли аёл нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ижтимоий фаол шахсга айланди. Бугуннинг аёли кучли сиёсатчи, қонун ижодкори, тадбиркор, халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчи, турли кўргазмаларда ўзбек санъати, хунармандчилиги ва анъаналарини дунёга танитаётган санъаткор, мусафир, хунарманд ҳамдир. Лекин...

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинаётган бўлса-да, опа-сингилларимизнинг турли кўринишдаги таъйиқ ва зўрамонликларга учраётгани, бу жараён уларнинг фарзандлари кўз ўнгига содир бўлаётгани афсусланарли ҳолат, албатта. Шу ўринда уларнинг давлат ҳокимияти бошқарувидаги иштирокига нисбатан ҳам салбий қарашларнинг мавжудлиги уларни тўлақонли фаолият кўрсатишларига ҳалаф бериб, раҳбарлик лавозимларига тайинлашларига айрим давлат ташкилотлари раҳбарлари томонидан тўсиқлар бўлаётганига ҳам кўз юмиб бўлмайди. Айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари қизларнинг турмуш кўриши, ёш оналарнинг ҳомилдорлик ва туғиш таътилига чиқиши ҳамда фарзанд дунёга келганда унинг таъминоти учун моддий маблағ ажратилиши билан боғлиқ жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, бўш ўринларга кўпроқ эркак кадрларни ишга олишни маъқул кўришади. Бундай ҳолатлар ҳам аёл шижоатини пайсатирди, ўзига, жамиятга бўлган ишончини сўндиради.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланган. Ана шу устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партия «Аёллар қаноти» тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан Меморандумлар имзолаб, кенг ҳамкорликни йўлга қўйган.

Утган ҳафта партия Марказий кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан эса Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, «Депутат аёллар клуби», партиянинг Марказий ҳамда

худудий Кенгашлари, «Аёллар ва ёшлар қаноти» вакиллари иштирокида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика Комиссияси мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 1-сонли баённомаси муҳокамасига бағишлаб давра суҳбати ўтказди. Унда ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига тўққинлик қилаётган жиҳатлар яна бир бор муҳокама қилинди. Шунингдек, тадбирда бундай сунъий тўсиқларни бартараф этиш, фаол аёлларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, сиёсий фаол, раҳбар аёл имижига нисбатан жамиятда соғлом фикр, қарашларни шакллантиришга оид таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика Комиссияси Мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш бўйича Дастур лойиҳасига ҳам партия томонидан тақдим этилган таклифлар инobatта олингани маълум қилинди.

Давра суҳбатини партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджанова очар экан, бугунги глобаллашув жараёнида, манфаатлар, мақсадлар тўқнашаётган, гоҳлар, эътиқодлар борасида номунасосибликлар юзага келаятган, миллий кадриятлар, муқаддас тушунчаларга таҳдидлар бўлаётган бир шароитда мазкур Комиссия фаолияти низоҳатда муҳим эканини таъкидлади:

— Бугун биз гарбона қарашлар миллий кадриятларимизга, урф-одат ва анъаналаримизга, оила муқаддаслигига оид тушунчаларимизга даҳл қилаётган, айрим давлатлар Конституцияларидан оила, эр ва хотин, эркак ва аёл, ота-она ва фарзанд тушунчалари чиқариб ташланаётган қалтис бир вазиятда яшаймиз. Бу ҳолат кадрият даражасига

қўтарилган оилаларимиз мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни мазмунан бойитиш ва жадаллаштириш лозимлигини кўрсатади. Зеро, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллиги оиладаги тинчлик ҳамда турмушининг фаровонлиги билан боғлиқдир.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Тахмуд Парпиев эса давра суҳбати иштирокчиларига Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси» борасида сўнгги беш йил мобайнида амалга оширилган ишлар, мақсадли кўрсаткичлар, шунингдек, Комиссия фаолиятида дуч келинаётган мураккабликлар хусусида атрафлича маълумот берди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган 2 та қонун, 25 та қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, гендер сиёсати давлат таъминоти даражасига қўтарилган ва бу борада қўллаб-қувватлаш алоҳиди олиб бериш зарурати таъкидланди. Шунингдек, «Оила дарслари»ни ўтиш таклифини билдириди.

— Токи, мустанқил ҳаёт бўсағасида турган ёшларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқлари бариберида зиммаларидаги бурч ва масъулиятларини ҳам англаб боришсин, — деди Г.Қулматова.

Давра суҳбатида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг кун тартибидан шай ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишларни йўлга қўйиш такозо этилади. Шунингдек, қабул қилинган ҳар бир қонун, қонун ҳужжатларини гендер экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. «Миллий тикланиш» партияси томонидан биринчилардан бўлиб мазкур баённома муҳокамасига киришилгани, унинг тегишли бандлари

юзасидан бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олингани таҳсинга сазовор, албатта.

Тадбирда «Депутат аёллар клуби» аъзоси, халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссия раиси Дилфуза Юсулова ҳам сўзга чиқиб, депутатлик ҳамда комиссия раиси сифатидаги фаолиятида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида дуч келинаётган айрим муаммолар, жумладан, турмуш шароитидаги муаммоларнинг маҳалла раислари томонидан яширилиши, ҳаспўшланиши каби ҳолатлар ҳақида гапирди. Халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши депутати Гулбахор Қулматова эса ёшлар учун ҳуқуқшунослар, ФХДБ бўлимлари ходимлари янги раёгон ҳолда «Оила дарслари»ни ўтиш таклифини билдириди.

— Токи, мустанқил ҳаёт бўсағасида турган ёшларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқлари бариберида зиммаларидаги бурч ва масъулиятларини ҳам англаб боришсин, — деди Г.Қулматова.

Давра суҳбатида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг кун тартибидан шай ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишларни йўлга қўйиш такозо этилади. Шунингдек, қабул қилинган ҳар бир қонун, қонун ҳужжатларини гендер экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. «Миллий тикланиш» партияси томонидан биринчилардан бўлиб мазкур баённома муҳокамасига киришилгани, унинг тегишли бандлари

**Феруза ЖАЛИЛОВА,**  
партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

Бир ҳовуч зар

«Бизда мусулмон Андалусиясидан қолган 30 та китоб бор, шунинг учун ҳам атомни парчалошга эриша олдик. Агарда ёқиб юборилган 1 млн китобдан ярми сақлаб қолингандо эди, аллақачон галактикада сайр қилиб юрган бўлар эдик».

Пьер КЮРИ.  
Физика бўйича Нобель мукофоти соҳиб

## ПИРОВАРД МАҚСАД — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ТАЪМИНЛАШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ислохотларнинг ҳудудлардаги ижроси билан танишиш мақсадида амалга ошираётган ташрифлари нафақат ўша ҳудуд аҳолиси, балки бутун халқимиз, ва ҳатто, хориждаги ватандошларимиз томонидан ҳам катта қизиқиш билан кузатиб борилади. Бунинг сабаби оддий: ташрифлар давомида фуқаролар билан самимий мулоқотлар қилинади, уларнинг талаб истакларидан келиб чиққан ҳолда ҳудуд ривожига, аҳоли фаровонлиги учун катта марралар белгилаб олинади. Давлатимиз раҳбари 12-13 май кунлари Фарғонага ташрифлари давомида ҳам қишлоқ ҳўжалиги, хунармандчилик, тўқимачилик тармоқларидаги корхоналар фаолияти билан танишиб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Шунингдек, вилоятни янада ривожлантиришга доир бир қатор янги вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоиз, водий гавҳари бўлмиш Фарғона вилояти юртимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, вилоятда энгил саноат, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги билан бир қаторда хунармандчилик ривожланмоқда. Энг муҳими, ана шу соҳаларда Фарғонанинг ўзига хос мактаби яратилляпти. Айниқса, кейинги йилларда «Инсон қадрини» эзгу тамойили асосида олиб борилаётган ислохотлар натижасида шаҳар ва туманлар қиёфаси кескин ўзгармоқда, аҳоли турмуш тарзи яшилляпти. Мамлакат аҳолисининг қарийб 11 фоизи истиқомат қиладиغان Фарғона аҳлига муносиб турмуш тарзини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар натижасида 2021 йилда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 45 триллион сўмдан ошиб, ўсиш кўрсаткичи 8 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида қиймати 1,2 трлн. сўмлик 262 та лойиҳа ишга туширилди. Шунингдек, вилоятда 2022-2026 йилларда

450 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлса, жорий йилнинг январь-апрель ойларида 167 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Мана бир мисол: Олтиариқ туманида низоҳатда қиска муддатда 1000 гектар майдонда янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида узумзорлар ва интенсив боғлар барпо этилди. Ушбу тайёр боғларнинг турли «дафтар»ларда рўйхатда турувчи аҳолига узоқ муддатли кредитлар асосида тақсимлаб берилиши 3000 дан ортиқ фуқаро ва уларнинг оила аъзоларига доимий даромад манбаига эга бўлиш имкониятини яратди. Давлатимиз раҳбари ташриф буюрган Бувайда туманида ўз фаолиятини бошлаган мебелсозлик саноат зонасида эса 3700 та янги иш ўрни яратилган бўлса, Учкўприқда ташкил этилган энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва савдо логистика комплексида 7661 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланмоқда. Пахта етиштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришда кластерларни ташкил этиш қанчалик инқилобий ва низоҳатда алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, вилоятда энгил саноат, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги билан бир қаторда хунармандчилик ривожланмоқда. Энг муҳими, ана шу соҳаларда Фарғонанинг ўзига хос мактаби яратилляпти. Айниқса, кейинги йилларда «Инсон қадрини» эзгу тамойили асосида олиб борилаётган ислохотлар натижасида шаҳар ва туманлар қиёфаси кескин ўзгармоқда, аҳоли турмуш тарзи яшилляпти. Мамлакат аҳолисининг қарийб 11 фоизи истиқомат қиладиغان Фарғона аҳлига муносиб турмуш тарзини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар натижасида 2021 йилда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 45 триллион сўмдан ошиб, ўсиш кўрсаткичи 8 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида қиймати 1,2 трлн. сўмлик 262 та лойиҳа ишга туширилди. Шунингдек, вилоятда 2022-2026 йилларда

**Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати

## ОБУНА — 2022!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Обуна  
индекси **158**



1 июлдан бошлаб, туризм қишлоқларида меҳмон уйлари, овқатланиш ва савдо шохобчалари, кўнгилочар жойлар ташкил этган тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олинандиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоииз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқлари ҳисобланган суммадан бор-йўғи 1 фоиизини тўлайдиган бўлдилар.

# ВАЗИЯТГА НАЗАР

## ИЧКИ ВА ЗИЁРАТ

# ТУРИЗМНИНГ

## РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Туризм бугунги куннинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Шу боис, дунёнинг кўплаб давлатлари ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфраструктурани жаҳон стандартлари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширолмақдалар.

БМТ ҳузуридаги Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2018 йилда сайёҳат қилувчи туристлар сони 1,4 миллиардни ташкил этган, бошқача айтганда 2017 йилга нисбатан 6 фоиизга кўпайган. 2019 йилда эса сайёҳлар сони 1,5 миллиардга етган. Қайд этилишича, 2019 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотига туризм ва сайёҳликнинг умумий улуши қарийб 9 170 млрд долларни ташкил қилган. Буларнинг бари одамларнинг йилдан-йилга сайёҳатга бўлган қизиқиши ва талабларининг ортиб бораётганига яққол мисолдир. Умуман, туризм иқтисодий фойда келтиришдан ташқари, аҳоли дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий тиричиликнинг ривожлантириш, дунёнинг турли давлатлари ва минтақалари вакиллари ўртасида яқин алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳам жуда катта туризм салоҳиятига эга. 2016 йили юртимизда ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш орқали сайёҳлик инфратузилмаси жадал ривожлантирилди. Натижада сайёҳлар сони 2016 йилдаги 2 млн.дан 2019 йилда 6,7 млн. гача кўлайди. Шунинг учун ҳам Жаҳон туризм ташкилоти Ўзбекистонни 2019 йилда энг яхши ривожланаётган сайёҳлик йўналишига эга мамлакатлар бешлигига киритди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, 2016-2021 йилларда маҳаллий сайёҳлар сони 24 млн.га етган бўлса, хорижий туристлар қарийб 20 млн. кишини ташкил этди. Гарчи коронавирус пандемиясининг асосий зарбаси сайёҳлик тизимини издан чиқарган бўлса-да, 2020 йили Ўзбекистонга 1,5 млн., 2021 йилда эса, 1,7 млн. чет эллик сайёҳ ташриф бурди.

Туризмни ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, мазкур индустрияни юқори даромадли соҳага айлантириш учун давлат ва хусусий сектордаги барча иштирокчиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш зарур. Бунда, ҳукуматнинг роли – халқаро, ҳукумат ва хусусий сектор даражаларида туризм соҳасидаги ривожланиш сиёсатини мувофиқлаштириш ва режалаштиришни таъминлашдан ишлорати бўлади.

Шу нуқтаи назардан, 2022 йилнинг 26 апрель кuni ўтган Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини

ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йўғилишида туризм индустриясини ривожлантириш, соҳадаги, хизматлар кўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлиги ва имижини яхшилашга қаратилган масалаларга алоҳида уруғ берилди.

Илгиларида жаҳонда коронавирус пандемияси пайтида ўрнатилган чекловлар аста-секин юмшаётгани боис, туризм индустрияси тикланаётгани, хусусан, 2022 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонга **610 минг сайёҳ** ташриф буюргани, бу эса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **икки баравар** кўплиги қайд этилди.

Президент селекторида «Ўзбекистон туризм магистралли» бўйлаб, 31 та туман ва шаҳар ҳудудидан ўтувчи йўллар бўйида автотураргоҳ, кемпинг, автосервис, овқатланиш, ёқилғи қуйиш каби хизматларни қамраб олган «Карвонсарой»лар барпо этиш тақлифи ҳам илгари сурилди. Албатта, бу тақлифларнинг амалга оширилиши, янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли бандлигининг таъминлиши ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ички туризмнинг жадал ривожланишида хусусий секторнинг беқиёс ўрни бор. Ҳозир кўплаб тадбиркор ва ҳунармандлар соҳага жалб этилган бўлиб, улар сувенир маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тортиб, меҳмонхона хўжалиги,

сайёҳларга хизмат кўрсатишига шугулланишмоқда. Бу борада тадбиркорларга давлат томонидан ссудалар, субсидиялар, кредитлар ва бошқа турли имтиёзларнинг тақдим этилаётгани эътиборга лойиқ.

Йўғилишида ички туризмни ривожлантириш ҳамда тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор имкониятлар яратилаётгани ҳақидаги фикрлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Жумладан, 1 июлдан бошлаб, туризм қишлоқларида меҳмон уйлари, овқатланиш ва савдо шохобчалари, кўнгилочар жойлар ташкил этган тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олинандиган солиқ ва ижтимоий солиқни **1 фоииз** ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқлари ҳисобланган суммадан бор-йўғи **1 фоиизини** тўлайдиган бўлдилар. Шунингдек, Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида меҳмон уйлари ташкил этишга **50 миллион сўм**гача, ўтов ва эко-уйлар мажмуасига **300 миллион сўм**гача, чодирли лагерлар қуришга **300 миллион сўм**гача кредитлар берилади. Ҳар йили туризм қишлоқларининг **200 нафар ёшлари** эса бюджет ҳисобидан Туризм техникумларида белуш ўқитиладиган бўлди.


Албатта, бундан кўзланган мақсад, туризм индустриясини жадал ривожлантиришда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, уларга имтиёзлар тақдим этиш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини оши-

риш, пировардида эса янги сайёҳлик маҳсулотлари турини кўпайтиришдан иборат.

Албатта, туризмни жадал ривожлантириш учун, энг аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш лозим. Бунинг биринчиси, транспорт бўлса, иккинчиси логистикадир. Шунинг учун ҳам айни пайтда Ҳукумат томонидан транспорт харажатларини қамраб олиш, сайёҳларнинг авиақатновларга бўлган талабини қондириш мақсадида халқаро ва маҳаллий йўналишларда лоукостерлар фалиятини самарали йўлга қўйиш, замонавий тезорар поездларга чипта сотиб олиш механизмларини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбари томонидан 1 июлдан бошлаб, «**Зиёрат туризми**» дастури доирасида хорижий авиакомпанияларга кўрсатилган хизматларга **50 фоиизгача чеғирмалар** жорий қилиш, 1 октябрга қадар эса, маҳаллий авиақатновларга мўлжалланган янги «**Silk avia**» компаниясини ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилганини таъкидлаш жоиз. Харажатларни қамраб олиш мақсадида эса 9 та самолёт тўлиқ эконом-классга ўтказилади.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистонда миллий туризм соҳасида кечаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, қулай иқтисодий шароит ва омилларни яратиш, унинг иқтисодийдаги ўрни ва улушини кенгайтириш ва хизматлар сифатини оширишга қаратилган.



Елдор ТУЛЯКОВ,  
«Тараққиёт стратегияси»  
маркази ижрочи директори

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастуридан

**»** Партия туризм инфратузилмасини янада яхшилаш, қишлоқ туризмни ривожлантириш, туристлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, хусусан, қулай, арзон нархлардаги транспорт ва меҳмонхона хизматларини йўлга қўйиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ташаббусини илгари суради.

### Ҳисобот

# Партиянинг 2021 йилги устав фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботи

2021 йилда «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз молия-хўжалик фаолиятини «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган «Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга ҳамда ўз Устав ва Дастурига асосан амалга оширди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ташкилий таркибий жиҳатидан 14 та ҳудудий – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда 201 та туман, шаҳар партия кенгашларидан ташкил топган.

2021 йилда қарийб 7004 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатган бўлса, партия аъзолари сони 326 494, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партиядан сайланган депутатлар сони 36 нафарни ташкил этди.

Уставга мувофиқ, партия фаолиятини молиялаштириш манбалари – аъзолик бадаллари, юридик ва jismonий шахслар томонидан бериладиган хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат бўлди.

Марказий кенгашнинг 2021 йил 19 февралдаги IV Пленумида харажатлар сметаси ва штат жадваллари 474 нафар кишига тасдиқланган бўлиб, жумладан, Марказий кенгаш деҳқонида 49 киши, ҳудудий партия кенгашларида 425 штат бирлиги тасдиқланган.

Ўтган йил давомида партия ҳисоб рақамларига жами 34 млрд. 752 млн. 826 минг 200 сўм, жумладан, партия Устав фаолиятидаги вазифаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 22 млрд. 721 млн. 242 минг сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод учун 3 млрд. 199 млн. 623 минг 500 сўм, партия аъзолари бадалларидан 2 млрд. 242 млн. 971 минг 200 сўм, ҳомийлик ва хайриялардан 2 млрд. 814 млн. сўм, бошқа тушумлардан 3 млрд. 774 млн. 989 минг 600 сўм келиб тушган. 2021 йилдаги партиянинг жами сарф-харажатлари 34 млрд. 308 млн. 556 минг 600 сўмни ташкил этган.

Бундан, 25 млрд. 966 млн. 827 минг 800 сўм Давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағ ҳисобидан, 8 млрд. 341 млн. 728 минг 800 сўм эса бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан амалга оширилган харажатлардир. Ижро аппаратининг жорий харажатлари жами 22 млрд. 758 млн. 700 минг 400 сўмни, яъни 66.3 фоиизни ташкил этди.

Партия аъзоларининг оммавий ахборот воситаларида

чиқишларини ташкил этиш ва кўргазмали материалларни чоп этишга 2 млрд. 198 млн. 413 минг сўм, яъни 6.4 фоииз маблағ йўналтирилди. Конференциялар ва Съездлар ўтказиш харажатлари 85 млн. 733 минг 800 сўм (2.4 фоииз) сарфланди.

Мол-мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизмат ва эксплуатация харажатлари 2 млрд. 197 млн. 305 минг 600 сўмни (6.4 фоииз) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод тарғиботи учун йўналтирилган маблағ 3 млрд. 26 млн. 693 минг 700 сўмни (8.8 фоииз) ташкил этган бўлса, бошқа харажатларга 3 млрд. 777 млн. 121 минг 800 сўм (11 фоииз) сарфланди. Бюджетга қайтарилган маблағ 172 млн. 543 минг 800 сўмни ташкил этди.

2022 йил 1 январь ҳолатига партиянинг жорий ҳисоб рақами қолдиғи 3 млрд. 279 млн. 618 минг 300 сўмни ташкил қилди.

Партия ҳисоб рақамига келиб тушган барча маблағлар тасдиқланган харажатлар сметасига асосан сарфланди.

Харажатлар сметасининг бажарилишида юзага келган вазиятга қараб, ўрнатилган тартибда Марказий кенгаш Ижроия қўмита йўғилишларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Партия Марказий кенгашнинг 2021 йил 19 февралдаги IV Пленумида ҳудудий партия ташкилотларининг ташкилий тузилмасига ўзгартиш киритилиб, шу тузилма асосида штатлар жадваллари тузилди.

2021 йил аъзолик бадалидан жами 2 млрд. 242 млн. 971 минг 200 сўм келиб тушди. Бу режага нисбатан 89 фоиизни ташкил қилди. Партия Уставининг 13.6-бандида келтирилган, яъни ҳар ойлик аъзолик бадали ва бошқа тушумларнинг 15 фоиизи Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси ҳисобига туширилиши белгиланган. Ушбу маблағлар тушуми 311 млн. 540 минг 300 сўмни ташкил этиб, режага нисбатан 13.89 фоиизга бажарилди.

Партиянинг молиявий фаолияти, яъни молиявий маблағлар ва бошқа маблағлар тушуми ҳамда сарфланиши бўйича маълумотлар амалдаги меъё-

рий ҳужжатлар асосида ўрнатилган тартибга кўра, ўз вақтида Ўзбекистон Адлия вазирлиги, Давлат статистика, Давлат солиқ қўмиталари ва бошқа идораларга ҳисоботлар тақдим этиб борилди.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида 2022 йил 1 январь ҳолатига 1 млрд. 256 млн. 939 минг 185 сўм қарздорлик келиб чиққан. Бу қарздорликлар партия аъзолари иш ҳақи миқдорининг даврий ўзгаришлари ҳамда уларни ҳисоблаб чиқишдаги қийинчиликлар, партия аъзоларининг ҳақиқатда йил давомида ишлаши ёки иш-ламаслиги, бундан ташқари аъзолар сонидаги айрим номутаносибликлар, аъзоларнинг нафақага чиққанлиги, ўқув юртларида талаба бўлганлиги, вифот этганлиги ўз вақтида расмийлаштирилмаслиги, бошқа ҳудудга кўчиб кетганликлари ва бошқа сабаблар натижасида ҳосил бўлган. Шуларни инобатга олиб, 1 млрд. 256 млн. 939 минг 185 сўм миқдоридagi қарздорликдан воз кечилди.



Ўзбек кино санъати ва sanoati мутасаддилари ҳар қанча баҳона изламасинлар соҳанинг кўплаб вакиллари миллий қадриятларимизни оёқости қилишга хизмат қилаётган «буюк асар»лар яратишда давом этмоқдалар. Айрим хусусий телеканаллар эса уларга катта иштиёқ билан жўр бўлишяпти... Миллий кино санъати учун бюджетдан миллиард-миллиард пул ажратилаётган бўлса-да, афсуски, оддий томошабин талаби даражасида суратга олинган кинолар бармоқ билан санарлигича қолмоқда.

Дунё тажрибасидан маълумки, сериал, бу – фақат таъсирчан воқелик ёки шунчаки томошабин вақтини мазмунли ўтказиш учунгина суратга олинмайди, балки у маълум бир воқеликлар асосида ёмонлик ва яхшилик ўртасидаги тафовутни кўрсатиш, маълум бир хулосалар чиқариш учун яратилади. Зеро, кино қаерда ёки қай бир ижодкор томонидан ишланмасин, олий инсоний фазилатлар ва ғояларни тарғиб этишга хизмат қилиши оддий қоидага айланган. Яқинда таниқли ёзувчи Назар Эшонқулнинг: «Хориж сериаллари вақтга қўйилган бомба», деган гапини эшитиб қолдим. Унинг фикрича, баъзи хориж сериалларида тарғиб қилинаётган ғоялар ёшлар онги ва маънавиятини шакллантиришга таъсир этибгина қолмай, қарашларини ҳам тубдан ўзгартириш «қудрати» секин портловчи бомбага ўхшайди, бу аввал сезилмайдди. Вақт ўтгач, ҳамма ёқни вайрон қилади, асрлар давомида шаклланган қадриятларимизни парча-ларча қилади. Афсуски, ўзбек киноижодкорларининг ана шу «бомба»ни зарарсизлантириш, очикроқ айтганда «йўқ қилиш» учун амалий ҳаракатлари сезилмапти. Шунинг учун ҳам хорижда суратга олинган ва ўша мамлакатга ҳос ғоя ва қарашларни ўзига сингдирган сериаллари ҳамон ўзбек ёшларининг бўш вақтини ўтказиш учун асосий «макон» вазифасини ўтапти. Тўғри, бугун медиа махсусотларимиз, айниқса, миллий сериалларимиз соани анча кўпайди, аммо афсуски, ҳалигача сифат деганлари ўз сўзини айтганича йўқ. Бу нафақат иқтисодий жиҳатга, балки тажриба, билим, иқтидор ва янгилик ёндашувга ҳам боғлиқ жараён эканлини ҳисобга олсак, муҳокама этилаётган масала моҳияти

ойдинлашади. Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиз: ақсарият мутасаддилар ёки ташкилот раҳбарларидан миллий кино санъатимиз ҳақида фикр сўрасак, вақти йўқлигини баҳона қилганча, эшигини «ёпади»да, қайтиб очмайди. Айниқса, мавзу кино санъати ва sanoati билан боғлиқ бўлса. Мавжуд муаммолар ечими ёки ижро ҳақида фикр сўрасак, жавоб битта: ЧОРАЛАР КЎРИЛЯПТИ... Томошабин эса бундай баҳоналардан чарчади, лекин мутасаддилар асло чарчамайптилар, ақсинча, уларнинг ҳар доим жавоблари тайёр: чоралар кўриляпти. Чоралар кўриш жараёни эса асло тугамайдигандек. Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кино санъати ва sanoati янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони мувофиқ, миллий кинематографияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб қўйилган. Хусусан, ушбу ҳужжатда жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзуларда фильмлар суратга олиш вазифаси қатъий белгиланган бўлса-да, негадир кинематография агентлигининг бу борадаги амалий ҳаракатлари кўзга ташланаётгани йўқ. Ақсинча, гўё миллий кино санъати жиловы етти ёт беғоналар қўлига бериб қўйилгандек... Айни пайтда, хусусий телеканаллар рейтинг тўридан жой олиш мақсадида ҳам сериаллар суратга олиб, ким ўзарга эфир тўлдиришяпти. Натияжада савиясини ҳатто саёз деб бўлмайдиган тутуриқсиз сериаллар пайдо бўляпти.



Бугун кино деганлари sanoati, бизнесга айланди. Бирон расво, «танқиддан тубан» кино олган режиссёрчани танқид қилсангиз, у «Мен тадбиркорман! Сарфлаган бир сўминини икки сўм қилиб чиқариб олишим керак!» деб томоқ йиртади. – дейди ёзувчи ва журналист Абдуқаюм Йўлдошев. – Кўпчиликнинг ёдида бордир, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига келиб юртимизда «сарик матбуот» пайдо бўлди. Ёмғирдан кейинги кўзичориндай бодраб чиққан нашрларнинг аслнияти «сарфлаган бир сўминини икки сўмга айлантириш» эди. Натияжада одамларнинг ҳис-туйғуларини китиклайдиган, жунбушга келтирадиган яланғоч саҳналар тасвирланган «сериал»лар пайдо бўлди. Ҳатто бундай кўнгилочар газета-журналларнинг ноширлари муаллифларига «Ғоҳишани тасвирла!» Анавинақа жойлари кўп бўлсин!» қабилда буйруқ-кўрсатмалар бера бошлашди. Бундай «адабиёт»нинг оқоваси ҳали-ҳануз ҳаётимизга ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Кинолар, сериаллар ёки хусусий телеканалларнинг ўта «сарик»лашгани ҳам бунга исбот бўлиши мумкин. Гапнинг индаллоси, фильм ёки сериаллар буюртмачи қандай хоҳласа шундай сценарий асосида ёзиляпти. Шунинг учун ҳам киноларимизда маза-матрасиз, маънан саёз ва ҳатто уятсиз, расво саҳналар, зўрма-зўраки, ўзаро боғланмаган, бири боғдан, бири тоғдан келган сюжетлар, сохта ижролар кўпайиб кетди. Ваҳоланки, бутун дунё киношунослари «Яхши фильм бу яхши сценарий, сценарий ва яна сценарий» дея таъкидлаб келмоқдалар. Назаринида, ўзбек кино соҳасида менинг ақлим етмайдиган қандайдир эвриликлар содир бўлаётгандек. Аммо шундай бўлса, биз кутган яхши, фавқуллоҳда киномахсусотлар қаерда? Ажабланадиган яна бир жиҳат: бадий кенгашдан ўтганига тўрт йилча бўлган бўлса-да, айрим сценарийлар ҳамон чанг босиб ётибди. – Ўзбек кино ва сериалларини бошқа халқлар ҳам кўриб, ундан миллатимиз маънавияти, маданияти ҳақида хулоса қиладилар. Шундай экан, ки-

ноижодкорлар бу масъулият учун жавобгардирлар. Миллатимизни қанчалик улуғлаб гапирмайлик келинга кўз олайтирган қайнотани, ахлоқсиз аёлу қизларни, субтисиз эркакларни экранга олиб чиқиб ўтирсак... Бу қай даражада мантиқан тўғри? – дея ҳақли савол қўяди журналист Гулрух Ёрматова. – Бундай мулзамлик Янги Ўзбекистон ёшларининг дунёқарошига таъсир қилмайди? Шуларни ўйласам, бугун газак олиб улгурган бу муаммога вақтида «даво» топиш шарт, деган хулосага келаман. Ростки, билмайман. Илло, бугун бизнинг кино яна ва яна тижоратлашмоқда, sanoатлашмоқда. – Негадир кейинги пайтларда ақсарият кино сериалларда аёлларни энгилтак, суюқоёқ қилиб кўрсатиш одатга айланди, – дейди режиссёр, сценарийнавис Замира Бегимқуллова. – Сериалдаги сюжетда аёл сочи оппоқ қайнотасига ёпишадими, ёки хотини ўлган қайнисига суйкалади... Билмадим, ҳаётда балки бордир шунақалар. Аммо нима учун айнан улар бош қаҳрамонга айлантирилиши керак? Томошабол кино оламани деб фақат ҳаётнинг қоронғи ва кир томонларини бўрттириб кўрсатиш шартми? Бақирчақир, муштлаш саҳналари ҳам кўпайиб бормоқда. Шу ўринда адабий тил меъёрларига амал қилинмаган сериалларни «Миллий сериал» дея даъво қилишаётгани ҳам таажжубланарлидир. Бу ҳолат нафақат хусусий телеканаллар буюртмаси асосида суратга олинган сериалларда, балки МТРКнинг баъзи каналларида ҳам кўзга ташланыпти. Ақсарият сериалларда диалоглар жуда жун, уларида бадийлик етишмайди. Кези келганда айтиш керакки, «Севимли» каналида намоиш этилган «Сизсиз ўтмас кунларим» сериалида режиссёр юқоридаги хатоларни четлаб ўтган. «Исканжа» сериалида эса мантиқан бир-бирига тўғри келмайдиган қолатлар кўп. Масалан, кўчада қийналиб юрган бечора аёл мардикорчилик қиларкан-у тирноқлари ўстирилган, ҳар хил ранга бўялган. – Биз томоша қилган биринчи миллий сериал «Кўнги

кўчалари» эди, – дея эслайди журналист Меҳринисо Қўрбонова. – Шундан бери қанчадан-қанча янги сериаллар эфир юзини кўрди. Имкониним борича улари ҳам кузатиб бораман. Узи, миллий сериал нима дегани? Афсуски, буни кўплаб режиссёр ва сценарийнависларнинг ўзлари ҳам англаб етганлари йўқ. Кўп қисмли фильмларнинг 98 фоизиди биз ўрнатилган миллий қаҳрамонлар учрамайди. Масалан, бошқа давлатлар ўз сериалларини «миллий» деб айтмайди, бироқ биз улари томоша қилганимизда туркининг, америкаликнинг, корей халқининг қиёфаси, урф-одат ва аънавалари, ҳатто миллий мансалитети кўзга ташланади. Биё эса миллий сериал дея даъво қилаётган кинофильм ва сериалларда «Миллий қаҳрамон»нинг ўзи йўқ. Сийқаси чиқиб кетган мавзу: бой қиз, камбағал йигит (ёки ақсинча) ўртасидаги муҳаббат ва севги атрофидаги можаролар, тамом. Барака топкурлар кинонинг ғояси ва сўз нарийсини бир хонага қамалиб олиб эмас, одамлар орасида юриб ёзиш керак. Ҳа, чиндан ҳам миллий кино санъатимиз оғир депсиниш ҳолатини бошдан кечирмоқда. Йилт этган учқундан, ижобий ҳоҳидасдан қувонимиз, ғурурланамиз. Аммо шундан олишиқимиз жоизки, бу ўзгаришлар билан ўзимизни овутирапмиз, холос. Чунки кино санъати ва sanoati оғир хасталикка чалинганини ва бу ҳолатда кескин чоралар кўриш билангина «бемор»га ёрдан бериш мумкинлигини берчамизи бирдема сезиб турибмиз. Кейинги 10, 20 йилда қайси бир «буюк асар»имизни томоша қилиш учун навбатда туриб билетлар олдик? Қачон томошабин, айниқса, ёшлар «бу ўзбек сериали ёки бизнинг киночиларимиз олган асар» дея мақтанганини эшитдик ёки кўрдик? Кино бор бисоти билан тарбия, маънавият ва маърифат тарғиботчи эканлини инобатга олсак, ҳар бир кечиккан кунимиз ўз зараримизга ишлаётганини чуқурроқ англаб етамиз.

Маҳбуба КАРИМОВА,  
«Миллий тикланиш»  
муҳбири

✓ Кутинг!

**МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ НЕГА СУКУТ САҚЛАМОҚДА?**

Парламент нашри – «Жалқ сўзи» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳмат бонг урди, аммо депутатлар сукут сақламоқдалар. «XXI аср» газетаси орқали Норқобил Жалил муаммога кескин муносабат билдирди. Лекин жамиятнинг «бош» партияси OʻzliDeP жим. «Йшонч» бош муҳаррири Дусан Эрматов масала моҳиятини ҳижжалаб тушунтириб берди, бироқ парламентимиз бу чиқишга ҳам ишончсизлик билан қаради... Наҳотки миллий парламентимиз учун миллий матбуот – жамиятда ижтимоий фикрни шакллантирадиган, оғ, тафаккуримизни, қарашларимизни ўзгартирадиган асосий «қурол»нинг жангта шай, шай эмаслиги қизиқ бўлмаса. Зртага неч бўлади. Чунки...

Келгуси сонларда

Маълумки,  
Самарқанд  
вилоятидаги  
«Баҳоидир  
Ялангтўшбий»  
масжида моддий  
маданий мерос  
кўчмас мулк объекти  
ҳисобланиб,  
Ўзбекистон Вазирлар  
Маҳкамасининг 2019  
йил 4 октябрдаги  
«Моддий маданий  
мероснинг кўчмас  
мулк объектлари  
Миллий рўйхатини  
тасдиқлаш  
тўғрисида»ги  
қарори билан  
Миллий рўйхатга  
киритилган. Баҳоидир  
Ялангтўшбийнинг  
номини  
абдийлаштириш  
мақсадида масжидга  
унинг номи берилган.

# ОЛОВ ИШИДА

## ҚОЛГАН МАСЖИД



Моҳир саркарда сифатида душманлар  
устидан қозонган ғалабалари, салтанат  
сарҳадларини дахлсиз сақлашдаги  
хизматлари, Самарқанд музофотини  
обод, кўргонини мустаҳкам ва элини  
фаровон этгани учун «Эл отаси» унво-  
нига лойиқ топилган Ялангтўшбийнинг  
номи берилган масжид бугун қай  
аҳволда?

Манбаларга кўра, «Баҳоидир  
Ялангтўшбий» масжида XX асрнинг  
20-йилларигача масжид сифатида фа-  
олият кўрсатган. Шу даврдан эътиборан  
собиқ мустабид тузум томонидан диний  
қадриятлар топталиб, масжид фаолияти  
тўхтатилган ва омборхонага айланти-  
рилган.

Маҳаллий нуроний оқсоқоллар то-  
монидан оғзаки маълумот берилишича,  
қатагон йиллари (1932-1938) оралигида  
масжид биносига ўт кетган ва объект ўз  
ҳолига ташлаб қўйилган.

Самарқанднинг «Ер юзининг сайқали»  
булишига ҳисса қўшган «Тиллақори» ва  
«Шердор» мадрасаларини қурдирган  
буюк шаҳс Баҳоидир Ялангтўш ўзига  
мўъжазгина мақбара ҳам қурдирмаган.

Ўзини Самарқанд шаҳридан ўн икки  
километр наридаги Даҳбед қишлоғида  
мозори жойлашган Маҳдуми Аъзам  
зуриёди бўлмиш тариқат илми билим-  
дони Ҳожи Рашид Даҳбедийнинг оёқ  
учига қўйишларини васият қилган. Мозор  
бўсағасини ҳатлаганда қаршингиздаги  
қабр Самарқанд вилояти ҳокими Низо-

миддин Ялангтўшбий Оталиқнинг мангу  
қўним толган маконидир.

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани  
«Бодоржой» МФЙ ҳудудидега жойлашган  
«Баҳоидир Ялангтўшбий» масжида бугун  
авария ҳолатига келиб қолган.

Маданий мерос агентлиги матбуот хиз-  
мати томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 75 миллиард сўм маблағ  
эвазига таъмирланиб, реставрация  
ишлари амалга ошириладиган маданий  
мерос объектлари рўйхатидан «Баҳоидир  
Ялангтўшбий» масжида ҳам ўрин олган.

Таъмирлаш ишлари амалга ошири-  
ладиган моддий маданий мерос кўчмас  
мулк объектларининг манзилли рўйхати  
Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари ва  
Агентлик Илмий-эксперт кенгашининг  
ижобий хулосалари асосида туризм  
ва маданий мерос вазири томонидан  
тасдиқланган.

Ушбу рўйхатдан жами 34 та маданий  
мерос объекти ўрин олган ва уларни  
таъмирлаш-тиклаш ишлари учун жами  
75 миллиард сўм сарфланиши режалаш-  
тирилган.

Хусусан, жорий йилги рўйхатга кўра,  
қўплаб танқидларга сабаб бўлган  
«Баҳоидир Ялангтўшбий» масжида,  
Талипоч қалъа қолдиқлари, «Улуғбек»  
мадрасаси, Амир Олимхон мадрасаси,  
Кўк гумбаз, Оқ Сарой, Ислом Ҳўжа ёзги  
қароргоҳи, Чодра ҳовли каби объектлар-  
да реставрация ишлари олиб борилиши  
режалаштирилган.

Шунингдек, Бухоро «Арк» кўргони  
мажмуасидаги Қўшбеги, Саисхона,  
Саломхона, Тахтхона маданий мерос  
объектларида таъмирлаш-тиклаш иш-  
лари олиб борилади.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки,  
«Арк» кўргони мажмуаси вайроналари  
қисмида «Археологик парк» ташкил  
қилинади. Бухоро шаҳридаги «Масжиди  
Калон» (Пои Калон мажмуаси) қулаб  
тушган қисмлари ва таъмирталаб де-  
ворларини таъмирлаш-қайта тиклаш,  
атрофини ободонлаштириш ишлари ҳам  
жорий йилда амалга оширилади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра,  
моддий маданий мерос кўчмас мулк  
объектларида амалга оширилади-  
ган асрашга доир ишлар учун зарур  
бўлган маблағлар миқдори лойиҳа-смета  
ҳужжатлари асосида аниқланади.

Асрашга доир ишлар тегишли Ма-  
даний мерос объектлари реставрация  
дирекцияси томонидан бажарилади.

Зарур ҳолларда мазкур манзил-  
ли рўйхатга Маданий мерос агент-  
лиги тақлифлари ҳамда Вазирлар  
Маҳкамасининг Маданий меросни ҳимоя  
қилиш инспекцияси хулосасига кўра,  
туризм ва маданий мерос вазири томо-  
нидан ўзгартириш ва қўшимчалар кири-  
тилиши мумкин.

Эндиликда, анъанавий равишда  
ҳар йили республика бўйича авария  
ҳолатидаги ёки эътибордан четда қолган  
маданий мерос объектларини рестав-

рация ва таъмирлаш-тиклаш ишлари  
учун миллий рўйхат шакллантирилиши  
белгилаб қўйилди.

Шунингдек, жорий йилда яна  
Қорақалпоғистонда битта ёдгорлик – Ха-  
лифа-Ражаб мақбарасини тиклаш, Бухоро-  
рода 17 та, Сурхондарё ва Қашқадарёда  
тўрттадан, Хоразм вилоятида бешта ва  
Самарқандда учтадан объектни қайта  
тиклаш режалаштирилган. Толипоч  
қалъа қолдиқлари, «Улуғбек» мадрасаси,  
Амир Олимхон мадрасаси, Кўк гумбаз,  
Оқ Сарой, Ислом Ҳўжа ёзги қароргоҳи,  
Чодра ҳовли каби объектларда рестав-  
рация ишлари олиб борилади.

Бугунга қадар ҳукуматнинг 2022 йилда  
туризм ва маданий мерос объектлари  
инфратузилмасини ривожлантириш  
тўғрисидаги қарори билан Тошкент,  
Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Навоий,  
Хоразм шаҳарларида 38 та маданий  
мерос объектларини реставрация қилиш  
ва туризм инфратузилмасини ривож-  
лантириш бўйича 117,3 миллиард сўмлик  
лойиҳалар рўйхати тасдиқланган.

Тарихий-маданий мероснинг кадр-  
қимматини, ёш авлоддан бошлаб жамоат-  
чилик онгига етказиш яхлит бир тизим яра-  
тишни тақозо этади. Зеро, бугунги кунда  
мамлакатнинг тарихий-маданий меросини  
кўз қорачигидай асраб-авайлаш дунёдаги  
ҳар бир замонавий давлат сиёсатининг  
муҳим йўналишига айланиб улгурган.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, ЎЗА

Маҳмудхўжа Беҳбудий

# ҚАЧОН ТУҒИЛГАН?



XX асрнинг буюк  
мутафаккири, адиб,  
публицист, жамоат ва  
дин арбоби Маҳмудхўжа  
Беҳбудийнинг мероси ва  
ёшларга ибрат бўларли  
фазилатлари ҳали-ҳамон,  
олимларимиз ва ёш  
тадқиқотчилар томонидан  
изчил ўрганилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки,  
Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётини  
ўрганиш давомида унинг  
айнан қачон туғилганлиги  
ҳақидаги маълумотларнинг  
турлича экани, у зотнинг ҳаёти  
ва ижодини ўрганишга бел  
боғлаган изланувчиларни  
ҳалигача иккилантирмоқда.  
Бунинг олдини олиш  
мақсадида Маҳмудхўжа  
Беҳбудийнинг айти таваллуд  
санасини аниқ далиллар  
асосида келтириб ўтсам.

Биринчидан, бунга асосий  
сабаб шу кунгача Маҳмудхўжа  
Беҳбудийнинг ўз қўли  
билан ёзилган таржимаи  
ҳоли топилмаганида, деб  
ўйлайман. Шунинг учун  
тадқиқотчиларимиз Ҳожи  
Муин, Садриддин Айний  
асарларига, ўша даврда  
нашр этилган газеталар ва  
ундаги мақолаларга мурожаат  
қилишмоқда. Натижада  
Маҳмудхўжа Беҳбудийни  
1873 йили туғилгани ҳақидаги  
маълумот кўп учрайди. Бунга  
эса Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг  
Парвина, яъни Сурайё  
исмли қизининг маълумоти,  
Туркистон телеграф  
агентлигининг «Известия»  
газетасида эълон қилган  
хабари ва «М.Ф» имзоси  
билан чоп этилган мақола

далил сифатида келтирилади.  
Садриддин Айний ҳам  
«Муфти Маҳмудхўжа  
Беҳбудий ҳазратларининг  
қисқача таржимайи ҳоли»  
деб номланган мақоласида  
«Беҳбудий афанди 1291  
ҳижрий зулҳижжа ойининг  
ўнинда, оқшом Самарқандда  
Беҳбудхўжа хатиб талабидан  
дунёга келиб», деган жумлани  
келтирган эканлар.

Лекин Ҳожи Муин ёзган бир  
мақолада таваллуд санаси  
1873 йил дейилса, Бухорода  
чоп этилган «Учқун» журнали  
ва «Зарафшон» газетасида  
1291 йил 10 зилҳижжа деб  
келтирилади. Бу сана милодий  
йил ҳисобида 1874 йил март  
ойига тўғри келади. Арабшунос  
Барановнинг шу соҳага доир  
жадвалига асосланган ҳолда  
1875 йил ҳам тилга олинади.  
Бу эса Садриддин Айний  
бергана маълумот билан 2  
йилга, Ҳожи Муин берган  
маълумот билан эса 1 йилга  
фарқ қилмоқда. Шунинг учун  
Баранов жадвали илмий  
томондан тўла асосга эга  
эмаслиги айтилади. Туркистон  
туман сақлов бўлими, яъни  
махфий хизматда ҳар бир  
зиёли, жумладан, Маҳмудхўжа  
Беҳбудий ҳақида ҳам  
маълумотлар сақланган.  
Самарқанд полисмейстри  
подполковник Шведов  
1913 йилда ёзган махфий  
рапортида Маҳмудхўжа  
Беҳбудийни 41 ёш деб  
кўрсатган. Бу Парвина бегим  
келтирган маълумотга мос  
тушади. Парвина бегим  
келтирган сана, яъни 1291  
йил 10-зулҳижжа 1874 йил

30 январга тўғри келади.  
Ҳожи Муин милодий ойни  
аниқлашда қийналгани учун  
тахминан 1874 йил март ойини  
келтирганини мутахассислар  
ҳам эътироф этишган. Яна  
Ҳожи Муин Маҳмудхўжа  
Беҳбудийнинг туғилган  
жойини Сиёб, Бахшитета  
қишлоғи деб келтирса,  
Парвина бегим Самарқанд  
шаҳри Ёмини маҳалласида  
туғилганини айтади. Наим  
Каримов эса ўзининг «Жадид  
театри» номли асарига  
Маҳмудхўжа Беҳбудийни 1875  
йили Самарқанд яқинидаги  
Бахшитета қишлоғида  
туғилганини таъкидлайди.  
Шу ўринда, Маҳмудхўжа  
Беҳбудийнинг Жомбойда  
муфтий бўлиб ишлаганини  
айтиш жоиз. Шунинг учун ҳам  
Парвина бегим келтирган  
маълумот тарихий ҳақиқатга  
энг яқиндир, дейиш мумкин.  
Изланишлар натижаси Ҳожи  
Муин суриштирувларини  
Маҳмудхўжа Беҳбудийни  
амма-халаларидан  
изланганини тахмин қилади.  
Садриддин Айний эса ўз  
маълумотларини Маҳмудхўжа  
Беҳбудийнинг ўғли  
Маъсудхўжадан олган.  
Демак, юқоридаги фикрлар  
ва қарашларни ўрганиб  
чиқиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий  
ҳазратларининг таваллуд  
санаси 1874 йил 30 январь,  
деб белгилаш мумкин.

Фаҳриддин НОСИРЖОНОВ,  
Республика ёш олимлар  
Кенгаши аъзоси,  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси талабаси

Эълон

## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тарғибот материалларини чоп этиш учун:

1. Партия рамзи туширилган блокнот, ўлчами А6, муқоваси, 270 гр/м.кв, картон, ранги 4+0, ички блоки 80 гр/м.кв офсет қоғози, ранги 1+0, 40 вароқ, темир пружинали переплёт, миқдори – 10 000 дона.
2. Партия рамзи туширилган блокнот, ўлчами А5, муқоваси, 270 гр/м.кв, картон, ранги 4+0, ички блоки 80 гр/м.кв офсет қоғози, ранги 1+0, 40 вароқ, темир пружинали переплёт, миқдори – 10 000 дона.
3. Партия рамзи туширилган ручка, миқдори – 10 000 дона.
4. Партия рамзи туширилган пакет (қоғоз) ўлчами 250x350x70 см 210 гр/м.кв картон, ранги, 4+0, жилולי ламинация билан, миқдори – 10 000 дона.
5. Партия рамзи туширилган А4 папка, қоғози 300 гр./м.кв, ранги 4+0, миқдори – 10 000 дона.
6. Партия кўкрак нишони – 10 000 дона.
7. Партия логотипи туширилган сумка (чармли, ўлчами: эни 35 см, бўйи 25 см) – 200 дона.

Марказий кенгаш биносининг том қисмига партия номи ва логотипини тайёрлатиш ва ўрнатиш учун:

1. «MILLIY TIKLANISH» номи ёниб турадиган 70 см. баландликдаги 15 дона ҳарфни тайёрлатиш ва ўрнатиш.
2. «DEMOKRATIK PARTIYASI» номли ёниб турадиган 46 см. баландликдаги 19 дона ҳарфни тайёрлатиш ва ўрнатиш.
3. Партия логотипи 1 дона, диаметри 150 см ёниб турадиган.

Ушбу ҳарфларни ясаш учун ишлатиладиган хомашёлар:

1. Юз қисми – қуёш нурига ва ёгингарчиликка чидамли қўйма ранг акрил.
2. Электр энергиясини кам сарф қилувчи LED чироқлар.
3. Ён ва орқа қисми 5-8 мм қалинликдаги ПВХ хомашёдан фойдаланилади ва автомобиль учун ишлатиладиган буюқлардан фойдаланилган ҳолда ранг берилади.

Ушбу ёзувларни бинонинг том қисмига ўрнатиш учун темир маҳсулотларидан фойдаланилади.  
\*\*\*  
Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси Учтепа тумани Мақсуд Шайхзода кўчаси 1-А уй манзилида жойлашган биносини жорий таъмирлаш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун  
телефон:

71 239-45-77



## Ҳалима Худойбердиева

### ДОРИЛОМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!  
Дорилмомон кунлар келди, шафақлари ол,  
Қаён боқсанг, шайлашилар ва созлашлар тор.  
Олча гулин кўзларинга суртасан беҳол:  
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

Сўлгин-сўлгин лабларингдан учаркан шу сўз,  
Отагинам ҳаёлимда ростлай бошлар қад.  
Дорилмомон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,  
Ўқсик дилда бошланмасин десанг қиёмат.

Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,  
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.  
Белганингга тиргак бўлай, онажоним, тур,  
Дорилмомон кўёшга боқ, унга қасдма-қасд.

Юзинг ардоқли кўёшдай иссиқ ва маҳваши.  
Кўзларингда умид ёнар тикилган оми,  
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,  
Қизғини, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.

Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,  
Ёрни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.  
Яшамоқ — бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,  
Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.

Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шох,  
Ризқдир бизга, ризққа доим дил илинжликдир.  
Ўғлонларинг келар, ана, очишиб кучоқ,  
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.

Онагинам!  
Ўзинг тортма давралардан, эл чорлагандя,  
«Тирикликнинг байрами», деб созланганда тор.  
Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:  
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

### ВАТАН ЖИМ ТУРАДИ

Ватан жим туради, аммо у ҳақда  
Тоғдан тушиб келган тош сўз айтади.  
Бир садолар келар жим-жим куртақдан,  
Осмондан келган кўёш сўз айтади.

Ватан жим туради, байроғи ёниб  
Бошдаги туғи айтади сўзини.  
Мозийлардан келиб — чир-чир айлаб,  
Момоннинг урчуги айтади сўзини.

Ватан жим туради. Саболарининг  
Найлараг қўшилиб бўзлари кўпдир.  
Саратон, Даштдаги боболаримнинг  
Пастак чайлаларин сўзлари кўпдир.

Ватан жим туради...

### ЎЗБЕКНИНГ

Уzun тунлар ойларданам уялган,  
Аёллари толса севилиб толган.  
Қора кўзи бор юракка шўқ солган,  
Тоғлардаги жайронидир Ўзбекнинг.

Ойбарчини — бор Барчиндир, эртақмас,  
Алломишдан туг олмаган эркакмас.  
Дўст юкига елка тутиб, тоғи наст,  
Ҳама олам ҳайронидир Ўзбекнинг.

Уйларида гичирлайди ҳамон синч,  
Нодираси мазорида ётсин тинч.  
Ҳар боласи то сўнги дам — юкинги,  
У бир Қабба — вайронидир Ўзбекнинг.

Билмам Аллоҳ гул берганми, хас берган,  
Не бўлса ҳам дилин сархуш, маст берган.  
Нодирага каниз бўлиб сас берган  
Ҳалимаси, бийронидир Ўзбекнинг.

Ерда бундай гўзал ер йўқ, ой йўқ деб  
Қўнглим бир ойдиллик юқтириб турар.  
«Ётмоққа бундан-да иссиқ жой йўқ» деб,  
Онамнинг мазори уқтириб турар.

**1947 йил 17 майда Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева таваллуд топди (вафоти 2018 йил).**

Ҳалима Худойбердиева дастлабки шеърини тўпламлариданоқ аёл ва она образларининг сеҳрли қирраларини очишга, уларнинг нафақат жамиятнинг тўлақонли ва фаол аъзолари, балки шу жамиятнинг кўрки ва безағи эканлигини уқтиришга интилди.

### Муносабат

## КУМУШБИБИ ҚАБРИДАГИ БИТИКНИ КИМ БИЛАДИ?



50-60-70-80-90 ёш оралиғидаги аксарият юртдошларимиз улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини бир неча мартадан мутлолаа қилганлар. Зеро, орамизда ана шу афсонавий асарни йиғлаб ўқимаган одам топилмаса керак. Лекин...

14 май куни таниқли адабиётшунос дўстим Муҳаммад Вали қаламига мансуб «Ўзанига қайтаётган дарёлар» сарлавҳали мақолани «Янги Ўзбекистон» газетасида ўқиб, ўйлаб қолдим.

«Эсимда бир кунни онам билан Абдужаббор тоғамнига бордик. Тоғам раҳматли «Ўткан кунлар»ни ўқиётган экан. У кўзойнагини кўлига олиб, онамга боқаркан: «Майрам бу, Кумушнинг қабр тошига ёзилган шеър жуда бошқача-да», деб қуйидаги мисраларни ёддан айтганди:

*Аё нарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,  
Кўзум ёшлиғ, тилимда қолди фарёд,*

Ҳаётим полазоридин аюрдинг,  
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг.

Хотирам мустаҳкамлиги учун мазкур мисраларни ўша заҳоти қайта такрорладим ва ёдлаб олдим. Ҳозиргача унутмайман.

Касбим тақозосига кўра, шу кунга қадар кўплаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари билан суҳбатлашганман ва уларнинг аксариятидан «Ўткан кунлар» романида шундай шеър бор ё йўқлигини сураб кўрганман. Афсуски, кейинги чорақ аср давомида филолог сифатида диплом олганларнинг аксарияти бу шеърни билмайди, саволимга ижобий жавоб қайтаролмайди. Тоғам эса оддий дурадгор эди...

Китоб ўқиямиз, газета-журнал ўқиямиз, деб турли маънавий-маданий давраларда зўр бериб мақтанаётган тўтиқушсифат мутахассис ёки бўлғуси журналист, филологларга бу жиддий тарсаки эмасмикан? Майли, глобаллашув, интернетсевар авлод-

ни тарбиялаш керак, лекин маданий савия, даражамиз ўлмаётими?

Университетларимиз ҳар йили минг-минглаб филолог-журналистларни конвейрдан чиққандай ҳаёт уммонига отиб юбормоқда. Рақамлар, режалар, ҳисоботлар жойида, давлатнинг (демакки халқнинг!) млрд.лаб маблағлари маънавият учун сарфланяпти. Лекин саводхонлигимиз кўтариляптими? Мактаб, олий таълим соҳаси, кадрлар тайёрлаш, она тили ва адабиёт фанлари, журналистлар тайёрлаш бўйича мақтаниб бўлармикан?

Эҳ, Муҳаммаджон, дўстим, сиз каттаю кичикни қалбига, демакки, илмсизликни байроқ қилиб кўтариб чопайганлар юзига ойна тутдингиз. Бу ўткир мақолани нечта одам ўқигани менга қоронғу. Лекин оммавий (иқтисодий ҳаётимиз ўз йўлига) саводхонлик, китоб-хонлик, зиёлилик даражамиз кулгили эканини қачон тан оламиз?

Норқобил ЖАЛИЛОВ

### Аччиқ ҳақиқат



**ОБУНА – 2022!**  
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА 2022 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ!  
Обуна индекси **158**

### Ҳидоят

## ПОКИЗАЛИК ҲАМ ҚУСН

Бир куни ҳазрати Умар (р.а.)нинг ҳузурларига бир аёл эри билан келди-да, эрини кўрсатиб:

— Эй амирал мўминин! Бу киши менинг эрим бўлади. Турмушимизга уч ой бўлди. Шу муддат давомида тотув яшаш учун кўп ҳаракатлар қилдим. Аммо эримда рағбат кўрмадим. Утган вақт мобайнида билдимки, биз бир-биримизни тушуна олмас эканмиз, шунинг учун ажрашамиз.

Ҳазрати Умар (р.а.) аёлнинг индамай турган эридан сўрадилар: — Сен нима дейсан? — Эй амирал мўминин! Менинг ҳеч қандай шикоятим йўқ, ажрашишни истамайман, — деди у. Ҳазрати Умар (р.а.) эрининг ранг-рўйи, кийим-бошига қараб аҳволни англаб етдилар ва аёлга дедилар: — Сен ҳозир уйинга кетгин-да,

бир оздан кейин кел. Унганча биз эринг билан суҳбатлашиб оламиз.

Хотин кетгач, ҳазрати Умар (р.а.) у одамни ҳаммомга олиб бориб, ювинтиришни, тоза кийимлар кийдиришни буюрдилар. Эрак покиза ҳолатга келтирилди. Бир оз вақт ўтгач, аёл келди-ю башанг кийим кийган, озода эрини кўриб мамнун бўлди. Ажрашиш ҳақидаги аҳдини ҳам унутиб, эрини бошлаб уйига кетди. Мўминларнинг халифаси ҳазрати Умар (р.а.) ҳозир бўлганларга қараб дедилар: — Сизлар оилаларингизнинг (аёлларингизнинг) яхши ва покиза кийиниб, сизни кутиб олишларини севганингиз каби, улар ҳам сиз ва кийимларингизнинг озода бўлишидан завқ оладилар, сизларни ясанган ҳолда кўришни истайдилар.

ogoh.uz

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОВАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
**Алишер ҚОДИРОВ** — кенгаш раиси,  
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПўЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баҳодир МАМАТҲОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

**Навбатчи муҳаррирлар:**  
Дониёр ТОШБОВЕВ,  
Равшан МАҲМУДОВ  
**Нашр учун масъл:**  
Мазъуржон ЮЛДОШЕВ  
**Навбатчи:**  
Вилоятхон ШОДИЕВА  
**Дизайн гуруҳи:**  
Мазъуржон ҚУДРАТОВ,  
Лазиз МЕЙЛИКОВ,  
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

**Электрон почта:**  
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «ШАРҚ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади.

**Адади** — 10 057.  
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.  
**Қоғоз бичими:** 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ  
Буюртма — 516  
Босишга топшириш вақти 21.00.  
Топширилди 05:45

**ТЕЛЕФОНЛАР:** ISSN 2010-7714  
**Қабулхона** (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11 123456